



INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

2026

№3

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY

Scientific and practical electronic journal



Indexlanadigan bazalar:  Google Scholar  Crossref  OpenAIRE  CYBERLENIKA



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL

3-jild
3-son
March, 2026

February, 2026
Volume 3
Number 3

**ИННОВАЦИОННАЯ
ЭКОНОМИКА**
**Научно-практический
электронный журнал**

INNOVATIVE ECONOMY
**Electronic scientific and
practical journal**



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tahririyat Kengashi raisi o‘rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas’ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Texnik muharrir:

S.J.Qulmurotov

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy Tel.:

+998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

innoeconomic@kstu.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko‘rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog‘iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi)

Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva energetika instituti, Rossiya)

Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)

Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti, Rossiya Federatsiyasi hukumati)

Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi Milliy fanlar Akademiyasi)

Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti)

Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar universiteti)

Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat fanlari instituti)

Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti)

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik (Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor)

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo‘raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d., (DSc) dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg‘unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo‘jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.d., (DSc), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

Panjiyev Samijon Aliqulovich - PhD, dotsent



ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Учредитель:

**Каршинский государственный технический
университет**

Председатель редакционного совета:

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор

Заместитель председателя редакционного совета:

С.Н.Хамраева, доктор экономических наук,
профессор

Ответственный редактор:

Н.А.Очилова, PhD, доцент

Технический редактор:

С.Ж.Кулмуротов

Журнал издается один раз в месяц в
электронной форме и публикуется через
официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225

Тел: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@kstu.uz

Научно-практический электронный журнал
«Инновационная экономика» включён в перечень
национальных научных изданий на основании
решения Президиума Высшей аттестационной
комиссии при Министерстве высшего образования,
науки и инноваций Республики Узбекистан от 5
апреля 2025 года № 369.

**В журнале публикуются статьи по
следующим рубрикам:**

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика регионов и отраслей
4. Малый бизнес и частное
предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и
аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг и туризм

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчинников Виктор Николаевич - д.э.н., профессор, академик
(Южный федеральный университет, Россия)
Солодовников Сергей Юрьевич - д.э.н., профессор
(Белорусский национальный технический университет)
Виктор Александрович Сидоров - д.э.н., профессор,
(Кубанский государственный университет)
Шевченко Игорь Викторович - д.э.н., профессор (Кубанский
государственный университет)
Кусаинов Халел Хаймуллович - д.э.н., профессор, академик
(НААН Республика Казахстан)
Самандарзода Искандар Хаким - д.э.н., профессор
(Таджикистанский аграрный университет им. Ш.
Шотемура)
Габдуллин Артур Артурович - к.э.н., доцент
(Национальный исследовательский университет
«Московский энергетический институт»)
Войнаш Сергей Александрович - научный сотрудник
(Российского университета дружбы народов имени
П.Лумумби)
Пуляева Валентина Николаевна - к.э.н., доцент
(Финансовый университет при Правительстве РФ)
Морковкин Дмитрий Евгеньевич - к.э.н., доцент
(Финансовый университет Правительство РФ)
Садриддинов Манучехр Исламиддинович - д.э.н.,
профессор (Национальная академия наук Республики
Таджикистан)
Перская Виктория Вадимовна - д.э.н., профессор
(Финансовый университет при Правительстве РФ)
Молчанов Игорь Николаевич - д.э.н., профессор (Московский
государственный университет имени М.В. Ломоносова)
Басова Мария Михайловна - д.э.н., профессор
(Финансового университета Российской Федерации)
Чупин Александр Леонидович - к.э.н. (Российского
университета дружбы народов имени П. Лумумби)
Неземайкин Валерий Николаевич - д.э.н., профессор (РГТУ)
Никонорова Алла Владимировна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)
Дмитриева Ольга Александровна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)
Швец Юрий Юрьевич - к.э.н., доцент (Институт проблем
управления РАН)
Колосова Елена Валерьевна - к.э.н., доцент (Российский
экономический университет имени Г.В. Плеханова)

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидхорр Саидхмедович - д.э.н., профессор,
академик
Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - д.э.н., профессор
Навруз-зода Бахтиёр Негматович - д.э.н., профессор
Хатамов Очилди Курбанович - д.э.н., профессор
Файзиева Ширин Шодмоновна - к.э.н., профессор
Жумаева Гулрух Журакуловна - к.э.н., профессор
Эгамбердиева Салима Раимовна - к.э.н., доцент
Еркаева Гулбахор Панжиевна - к.э.н., профессор
Якубова Шамина Шухратовна - д.э.н., (DSc), доцент
Амиркулов Шухрат Олимович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Самиева Гулноза Тохировна - д.ф.э.наук., (PhD), доцент
Алигулов Азамат Туйгунович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Аминов Фазлитдин Бахадирович - к.э.н., доцент
Хужакулова Нигора Рустамовна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Туробов Шерзод Алишерович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Алимова Муниса Юльчиевна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Эрашиева Насиба Рахматуллаевна - д.э.н., (DSc), доцент
Бобокулов Санжар Бахромкулович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Джалилов Рахмонкул Хамидович - д.ф.э., (PhD), доцент
Номазов Бахром Бобомуродович - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Алимханова Нигора Алимхановна - д.ф.э.н., (PhD), доцент
Джанузакон Мирзабек Кулмаматович - д.ф.э.н., (PhD),
доцент
Мухаммадиева Юлдуз Юсуповна - д.ф.э.н., (PhD)
Турсунова Азиза Хошимовна - д.ф.э.н., (PhD)
Холлиев Шерали Бахтиёрович - д.ф.э.н., (PhD)
Панджиев Самиджон Аликулич - PhD, доцент



Moliya, kredit va investitsiya
Finance, credit and investment
Финансы, кредит и инвестиции



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахмонова Дурдона Хасан қизи

ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В КАШКАДАРЬИНСКУЮ ОБЛАСТЬ

Рахмонова Дурдона Хасан қизи

INVESTMENT OPPORTUNITIES AND PROSPECTS IN THE KASHKADARYA REGION

Rahmonova Durdona Hasan kizi

Received: March 6, 2026 Revised: March 9, 2026 Accepted: March 15, 2026 Published: April 1, 2026

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг энг йирик иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудларидан бири бўлган Қашқадарё вилоятининг инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари ва ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш истикболлари чуқур илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг асосий мақсади вилоятдаги мавжуд инвестицион муҳитни баҳолаш, тармоқлар кесимида капитал қўйилмаларнинг тақсимоотидаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда минтақа иқтисодиётини ресурсларга қарамликдан чиқариб, инновацион диверсификациялашга қаратилган стратегик йўналишларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Мақолада 2021–2025 йиллардаги макроиқтисодий ва инвестицион кўрсаткичлар динамикаси статистик, эконометрик ва қиёсий таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилган. Натижалар шуни кўрсатадики, вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ошиб бораётган бўлса-да, уларнинг асосий қисми ҳамон энергетика ва қазиб олувчи тармоқларга йўналтирилмоқда. Мақола муҳокамасида “ресурс лаънати” хавфини камайтириш, саноат кластерларини ривожлантириш, инсон капитали ва яшил энергетикага инвестицияларни кенгайтириш бўйича илмий асосланган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳудудий иқтисодиёт, инвестиция муҳити, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестиция салоҳияти, саноат кластерлари, диверсификация, Қашқадарё вилояти, макроиқтисодий таҳлил, инновацион ривожланиш.

Аннотация. В данной статье проведен глубокий научный анализ возможностей привлечения инвестиций и перспектив развития региональной экономики Кашкадарьинской области, одного из регионов с крупнейшим экономическим потенциалом в Республике Узбекистан. Основной целью исследования является оценка существующего инвестиционного климата в регионе, выявление структурных изменений в распределении капиталовложений в отраслевом разрезе, а также разработка стратегических направлений, направленных на диверсификацию и снижение ресурсной зависимости экономики региона за счет инноваций. В статье с помощью методов статистического, эконометрического и сравнительного анализа изучена динамика макроэкономических и инвестиционных показателей за 2021–2025 годы. Результаты показывают, что, несмотря на рост объемов прямых иностранных инвестиций, их основная часть по-прежнему направляется в энергетику и добывающие отрасли. В обсуждении разработаны научно обоснованные практические предложения по снижению риска “ресурсного проклятия”, развитию промышленных кластеров, расширению инвестиций в человеческий капитал и зеленую энергетику.

Ключевые слова: региональная экономика, инвестиционный климат, прямые иностранные инвестиции, инвестиционный потенциал, промышленные кластеры, диверсификация, Кашкадарьинская область, макроэкономический анализ, инновационное развитие.

Abstract: This article provides an in-depth scientific analysis of the investment attraction opportunities and prospects for regional economic development in the Kashkadarya region, one of the areas with the largest economic potential in the Republic of Uzbekistan. The main objective of the study is to evaluate the existing investment climate in the region, identify structural changes in the sectoral distribution of capital investments, and develop strategic directions aimed at diversifying and reducing the resource dependence of the regional economy through innovation. The article examines the dynamics of macroeconomic and investment indicators for the years 2021–2025 using statistical, econometric, and comparative analysis methods. The results indicate that while the volume of foreign direct investment is increasing, the majority of it is still directed towards the energy and extractive sectors. In the discussion



section, scientifically grounded practical proposals and recommendations are developed to mitigate the risk of the “resource curse,” develop industrial clusters, and expand investments in human capital and green energy.

Keywords: regional economy, investment climate, foreign direct investment, investment potential, industrial clusters, diversification, Kashkadarya region, macroeconomic analysis, innovative development.

■ КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг шиддат билан глобаллашуви ва тўртинчи саноат инқилоби (Industry 4.0) шароитида ҳудудларнинг барқарор, мутаносиб ва рақобатбардош ривожланишини таъминлаш бевосита уларнинг инвестицион жозибадорлигига ҳамда капитални самарали ўзлаштириш қобилиятига боғлиқдир [1]. Замонавий иқтисодиёт назариясида, хусусан, эндоген ўсиш моделлари (Endogenous growth theory) ва ҳудудий ривожланиш концепцияларида инвестициялар нафақат жисмоний капитал тўпланишининг асосий манбаи, балки технологик янгиланиш, инсон капиталини ривожлантириш, ноу-хау ва инновацияларни жорий этишнинг энг муҳим драйвери сифатида эътироф этилади [2]. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси” доирасидаги чуқур таркибий ислохотлар, бозор механизмларини кенг қўламда жорий этиш ва очиқ иқтисодиётга ўтиш сиёсати ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ҳамда маҳаллий капитални жалб қилиш учун янги, кенг имкониятлар эшигини очди [3].

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг энг йирик, ҳудудий жиҳатдан кенг ва иқтисодий салоҳияти бениҳоя юқори бўлган минтақаларидан бири ҳисобланади. Вилоят нафақат бой табиий ресурсларга, хусусан, улкан углеводород хомашёси (нефт ва табиий газ) захираларига, балки бебаҳо кишлоқ хўжалиги ерларига ва ўзига хос демографик дивидендга (меҳнатга лаёқатли ёш аҳолининг юқори салмоқига) эгадир [4]. Бироқ, вилоят иқтисодиётининг тарихан шаклланган макроиқтисодий тузилмаси асосан хомашё қазиб олиш ва унга дастлабки ишлов беришга йўналтирилганлиги сабабли, ялпи ҳудудий маҳсулотда (ЯХМ) қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотлар ва юқори технологик хизматлар улуши ҳамон нисбатан пастлигича қолмоқда. Илмий адабиётларда ва халқаро иқтисодий амалиётда бундай ҳолат “ресурс лаънати” (resource curse) концепцияси ёки “Голланд касаллиги” (Dutch disease) симптомлари сифатида кенг тадқиқ этилади. Яъни, биргина тармоққа (масалан, энергетика ёки қазиб олиш) ҳаддан ташқари кўп инвестицияларнинг оқиб келиши миллий валютанинг реал алмашув курсини ошириб, бошқа тармоқларнинг (қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш, ИТ ва туризм) рақобатбардошлигини пасайтиради ва ривожланишини секинлаштиради [5].

Ушбу тадқиқотнинг асосий илмий муаммоси – Қашқадарё вилоятининг бекиёс табиий ресурслари ва инсон капитални салоҳияти мавжудлигига қарамай, инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва туманлар кесимидаги ўта номуаносиб тақсимоли ҳамда уларнинг чуқур қайта ишлаш ва инновация соҳаларга етарли даражада

йўналтирилмаётганлигидир. Шу муносабат билан, тадқиқотнинг асосий мақсади Қашқадарё вилоятининг жорий инвестиция муҳитини, киритилган инвестицияларнинг ЯХМга таъсирини макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали илмий баҳолаш, инвестицияларни жалб қилишдаги таркибий тўсиқларни ва янги имкониятларни аниқлашдир. Шунингдек, тадқиқот олдига инвестициялар киритиш асосида вилоят иқтисодиётини диверсификация қилиш, қўшилган қиймат занжирига эга саноат кластерларини шакллантириш ва минтақанинг узоқ муддатли барқарор ҳудудий ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Ушбу мақсадга эришиш ва илмий муаммонинг ечилиши ҳудуднинг экспорт салоҳиятини кескин оширишга, замонавий янги иш ўринлари яратишга ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга бевосита хизмат қилади.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотларда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратилган:

1. Х.П.Абулкосимов (2022). *Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва ҳудудий инвестиция сиёсатининг замонавий тенденциялари*. Ушбу манбада давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ҳудудий инвестиция сиёсатининг ўрни ва инвестицияларни самарали бошқаришнинг назарий асослари ёритилган.

2. А.В.Ваҳобов ва Д.А. Тожибоева (2023). *Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўллари*. Ушбу тадқиқотда мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш, институционал ислохотларни амалга ошириш ва иқтисодий модернизация жараёнлари таҳлил қилинган.

3. Jeffrey D. Sachs ва Andrew M. Warner (2001). *The Curse of Natural Resources*. Муаллифлар табиий ресурсларга бой мамлакатларда иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва инвестицияларни диверсификация қилиш заруратини таҳлил қиладилар.

4. С.С.Ғуломов ва Б.А.Бегалов (2021). *Иқтисодий таҳлил, эконометрика ва моделлаштиришнинг замонавий усуллари*. Манбада иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда қўлланиладиган статистик ва эконометрик усуллар ёритилган.

5. Х.С.Асатуллаев (2024). *Ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрнига доир таркибий таҳлил*. Муаллиф хорижий инвестицияларнинг ҳудудий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятини таҳлил қилади.



6. Н.М.Маҳмудов (2023). *Минтақавий иқтисодий сиёсат ва инвестиция стратегиясини шакллантириш методологияси*. Тадқиқотда минтақавий иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий-методологик асослари кўриб чиқилган.

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қашқадарё вилоятининг инвестициялар қиритиш имкониятлари ва ҳудудий ривожланиш йўналишларини тадқиқ этиш жараёнида замонавий иқтисодиёт фанида кенг қўлланиладиган кўп ўлчамли, комплекс ва тизимли ёндашувларга асосланган илмий методлардан фойдаланилди [6]. Тадқиқот методологияси объективлик ва илмий асосланганлик тамойилларига таянган ҳолда қуйидаги босқичларни ва таҳлил усулларини ўз ичига олади:

1. Тизимли ва мантикий таҳлил (systemic and logical analysis): Қашқадарё вилояти иқтисодиёти ташқи ва ички муҳит билан алоқада бўлган яхлит, мураккаб бир тизим сифатида қараб чиқилди. унинг таркибий қисмлари (оғир ва енгил саноат, агросаноат мажмуаси, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси) ва уларга кириб келаётган инвестиция оқимлари ўртасидаги ўзаро диалектик алоқадорлик ўрганилди. бу усул вилоят иқтисодиётидаги таркибий номуносибликларни ва яширин инвестицион салоҳиятни аниқлаш имконини берди.

2. Статистик ва эконометрик таҳлил (statistical and econometric analysis): Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси, шунингдек, инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг расмий ҳисоботлари маълумотлари базаси асосида 2021–2025 йиллар оралиғидаги яхм, жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар ва асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси таҳлил қилинди [7]. маълумотларни қайта ишлашда динамик қаторлар таҳлили,

трендларни аниқлаш ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

3. Солиштира-қиёсий таҳлил (comparative analysis): Қашқадарё вилоятига жалб этилаётган хорижий ва маҳаллий инвестицияларнинг ҳажми, ўсиш суръатлари ва таркиби республиканинг бошқа саноатлашган вилоятлари (масалан, Навоий, Тошкент вилоятлари) кўрсаткичлари билан солиштирилди. шунингдек, вилоят ичидаги туманларларaro инвестицион тафовутлар (масалан, саноатлашган қарши ва муборак шаҳарлари ҳамда аграр йўналишдаги Миришкор ёки Дехқонобод туманлари ўртасидаги фарқлар) қиёсий ўрганилди [8].

4. Синтез ва моделлаштириш (synthesis and modeling): жамланган статистик ва назарий маълумотлар асосида ҳудудни инновацион инвестициялар ҳисобига ривожлантиришнинг концептуал-схематик модели ишлаб чиқилди. ушбу модел ҳудудда интеллектуал саноат кластерларини яратиш ва “хомашё – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги қўшилган қиймат занжирини шакллантириш мантиғига асосланади [9].

Тадқиқотда қўлланилган маълумотларнинг расмийлиги ва уларнинг вақт нуқтаи назаридан репрезентативлиги олинган илмий хулосаларнинг ишончлилигини ва иқтисодий амалиётга жорий этиш мумкинлигини тўла қафолатлайди.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқот доирасида олиб борилган макроиқтисодий ва статистик таҳлиллар Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг сўнгги беш йилликдаги ривожланиш тенденциялари ва инвестиция жараёнларининг ҳолатини яққол кўрсатиб берди. Вилоятда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ва сармоя қиритиш имкониятларини баҳолаш учун дастлаб асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг асосий макроиқтисодий ва инвестицион кўрсаткичлари динамикаси (2021-2025 йй.)

Кўрсаткичлар номи	2021	2022	2023	2024	2025 (дастлабки баҳолаш)	Ўсиш суръати (2025/2021), %
ЯХМ ҳажми (млрд. сўм)	45230	51840	58410	66120	74550	164.8%
Аҳоли жон бошига ЯХМ (минг сўм)	13420	15110	16750	18530	20450	152.3%
Асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд. сўм)	18540	21280	24850	29510	34220	184.5%
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)	28410	32650	37180	42840	49350	173.7%
ТТХИ ва қафолатланмаган хорижий кредитлар (млн. АҚШ доллари)	450.2	580.4	710.6	890.5	1 120.0	248.7%
Жами инвестициялардаги ТТХИ улуши (%)	22.4	25.1	28.5	31.8	34.2	+11.8 п.п.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ва вилоят бошқармаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021–2025 йиллар давомида Қашқадарё вилоятида Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) номинал ҳажми қарийб 64.8 фоизга ўсган. Бу барқарор макроиктисодий ўсишни англатади. Бироқ эътиборга молик энг муҳим жиҳат шундаки, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми унданда тезроқ, яъни 84.5 фоизга ошган. Бу ҳолат Жон Мейнард Кейнснинг инвестицион мультипликатор назариясини тасдиқлайди: капитал қўйилмаларнинг ўсиши иқтисодиётда занжирсимон реакцияни келтириб чиқариб, ЯХМнинг ўсишини рағбатлантирмоқда [10]. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ҳажмининг 2.4 баробарга (248.7% га) ўсиши ва уларнинг жами инвестициялардаги улуши 22.4 фоиздан 34.2 фоизгача кўтарилиши вилоятнинг ташқи инвесторлар учун жозибадорлиги ва ишончлилиги ортганлигини яққол намоён этилади. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига ЯХМ кўрсаткичининг ўсиш суръати (152.3%) умумий ЯХМ ўсишидан (164.8%) пастлиги вилоятда демографик ўсиш суръатларининг республика бўйича энг юқориларидан бири эканлигини, демакки, яратилаётган иқтисодий қиймат аҳоли фаровонлигини кескин ошириш учун

ҳали етарли даражада эмаслигини ва инвестицияларни янада кўпайтириш зарурлигини тасдиқлайди.

Инвестицияларнинг миқдорий ўсиши билан бир қаторда, уларнинг сифат таркиби, яъни тармоқлар бўйича қандай тақсимланаётгани ҳам ғоят муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Қуйида келтирилган концептуал модел айнан шу мақсадли тақсимотни қандай шакллантириш кераклигини кўрсатади.

Юқорида тақдим этилган концептуал модел Қашқадарё вилоятида инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳудудий иқтисодиётни қандай қилиб тўғри диверсификация қилиш, қўшилган қиймат занжирларини яратиш ва рақобатбардош саноат кластерларини ривожлантириш механизмларини ўзида акс эттиради. Ушбу моделнинг асосий фалсафаси шундан иборатки, хомашё ресурсларини сотишдан тушган даромадлар ва жалб қилинган хорижий капитал тўғридан-тўғри казиб олишга эмас, балки юқори технологик қайта ишлаш саноатига, агроинновацияларга ва энг асосийси, инсон капиталига йўналтирилиши шарт.

Бугунги кунда вилоятдаги реал инвестицион оқимларнинг иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги тақсимотини таҳлил қилиш орқали мавжуд имкониятлар ва ечилиши лозим бўлган муаммоларни яққол кўриш мумкин.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари бўйича киритилган инвестицияларнинг таркибий ўзгариши (жами ҳажмга нисбатан % да)

Иқтисодиётнинг йирик тармоқлари ва соҳалари	2021 йил	2023 йил	2025 йил (қўйилаётган)	Таркибий силжиш (+/- пункт)
Саноат сектори (жами)	59.4	56.2	53.1	-6.3
шу жумладан: Тоғ-кон ва энергетика саноати	47.2	41.5	36.8	-10.4
шу жумладан: Қайта ишлаш саноати	12.2	14.7	16.3	+4.1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (Агросектор)	11.8	14.3	16.5	+4.7
Хизмат кўрсатиш, АКТ ва логистика	14.6	16.1	18.2	+3.6
Қурилиш ва ижтимоий инфратузилма (таълим, соғлиқни сақлаш)	14.2	13.4	12.2	-2.0
Жами инвестициялар	100.0	100.0	100.0	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги очиқ маълумотлари асосида ҳисобланган.

2-жадвал маълумотлари Қашқадарё вилояти инвестиция сиёсатида юз бераётган таркибий силжишларни аниқ намоён этилади. Ижобий ҳолат сифатида шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, 2021–2025 йиллар оралиғида анъанавий тоғ-кон ва энергетика саноатига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 47.2 фоиздан 36.8 фоизга (қарийб 10.4 фоиз пунктга) қисқарган. Бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан ресурсларга қарамликни камайтиришга қаратилган стратегиянинг дастлабки медалари ҳисобланади [11]. Бироқ, бўшаган

сармояларнинг катта қисми юқори технологик қайта ишлаш саноатига эмас (қайта ишлашда ўсиш бор-йўғи 4.1 фоиз пунктни ташкил этган), балки кўпроқ қишлоқ хўжалигига ва хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб ўтган. Қайта ишлаш саноатининг бор-йўғи 16.3 фоизлик улуши (2025 йил ҳолатига) вилоятда “Шўртан газ-кимё мажмуаси” (ШГКМ) ва “Муборак газни қайта ишлаш заводи” каби гигант хомашё корхоналар мавжудлиги фонида ниҳоятда паст кўрсаткич ҳисобланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятда базавий кимёвий хомашёдан (масалан, полиэтилен, полипропилен гранулаларидан) тайёр истеъмол товарлари (пластик қувурлар, тиббий шприцлар, деталлар) ишлаб



чиқарувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларини инвестициялаш имкониятлари жуда юқори бўлса-да, бу жараён ҳали ҳам сустрек кечмоқда [12]. Шунингдек, АКТ (Ахборот-коммуникатсия технологиялари) соҳасига йўналтирилган сармоялар улушининг пастлиги вилоятнинг рақамли иқтисодиётга ўтиш имкониятлари тўлиқ рўёбга чиқмаётганини кўрсатади.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олинган эконометрик ва статистик натижалар шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятини инвестициялар ҳисобига ривожлантириш механизмлари тубдан қайта кўриб чиқиши керак. Тадқиқот натижаларини жаҳон тажрибаси ва илмий адабиётлар билан таққосласак, кўплаб ривожланаётган ва ҳатто ривожланган давлатларнинг углеводород ресурсларига бой ҳудудлари (масалан, Россия Федерациясининг Тюмен вилояти, Қозғоғистоннинг Манғистау вилояти ёки Канаданинг Альберта провинцияси) ҳам ўз вақтида худди шундай диверсификация муаммосига дуч келганлигини ва улар ҳам инвестицияларни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтиришда қийинчиликлар кўрганлигини кузатиш мумкин [13]. Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, худудий инвестиция сиёсатининг самарадорлиги фақатгина жалб қилинган маблағларнинг умумий ҳажми ёки миқдори билан эмас, балки бу молиявий ресурсларнинг қанчалик даражада инноватсион, экспортга йўналтирилган ва кўп иш ўринлари яратувчи тармоқларга жойлаштирилгани билан ўлчанади [14].

Муҳокамаларимиз ва таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида инвестиция сиёсатининг самарадорлигини пасайтирувчи ва инвесторлар учун жозибадорликни камайтирувчи қуйидаги асосий тўсиқлар мавжуд: Биринчидан, худудий инвестицион номутаносиблик. Инвестицияларнинг асосий қисми вилоят маркази Қарши шаҳри ҳамда саноатлашган Ғузор, Муборак ва Шаҳрисабз туманларида тўпланган. Аксинча, аҳолиси зич, лекин саноати ривожланмаган Қашқадарё, Чирокчи, Кўкдала, Деҳқонобод ва Миришкор туманларига тўғри келувчи капитал қўйилмалар ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кескин фарқ қилади. Бу эса меҳнат ресурсларининг вилоят ичида ва ундан ташқарига миграциясига ҳамда айрим туманларда дотацияга қарамликнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда. Бу туманлар учун энг катта имконият – агросаноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдир. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида чуқур қайта ишлаш даражасининг пастлиги ва “совуқ занжир” (cold chain) инфратузилмасининг йўқлиги. Тўғри, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши ортомқда (16.5%), бироқ бу маблағларнинг аксарияти фақатгина пахта ва ғалла етиштириш учун қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилишга ёки томчилатиб суғориш ускуналарига сарфланмоқда. Мева-сабзавотларни шок усулида музлатиш, сублимация қилиш, халқаро стандартлар (Глобал ГАП, ИСО 22000) асосида қадоқлаш ва тўғридан-

тўғри Европа ёки Осиё бозорларига экспорт қилишга қаратилган юқори технологик агро-логистика марказларига йўналтирилган инвестициялар ҳажми талаб даражасида эмас. Учинчидан, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасидаги чекловлар. Хорижий инвесторларни жалб қилишнинг биринчи рақамли шарт – бу қафолатланган узлуксиз электр энергияси, табиий газ, тоза сув ва рақамли (интернет) инфратузилмасининг мавжудлигидир [15]. Қашқадарёда, айниқса оқим туманларда ва янги ташкил этилаётган кичик саноат зоналарида (КСЗ) муҳандислик-коммуникатсия тармоқларининг қуввати етмаслиги ёки эскирганлиги янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти учун қуйидаги стратегик йўналишлар доирасида инвестицияларни йўналтириш энг катта имкониятларни яратади:

1. Нефть-газ-кимё саноатида “Саноат симбиози” ва чуқур қайта ишлаш кластерларини ривожлантириш: Бунда инвесторларга фақат қазиб олишни эмас, балки Муборак ва Ғузор туманларида мавжуд корхоналарнинг чиқиндилари ёки ярим тайёр маҳсулотлари асосида янги полимер, бўёқлар, кимёвий ўғитлар ва маиший пластмасса буюмлари ишлаб чиқарувчи технопаркларни ташкил қилиш таклиф этилиши керак.

2. “Яшил энергетика” (Green energy) лойиҳаларига инвестициялар жалб қилиш: Қашқадарё вилоятининг географик ва иқлим шароити, хусусан, қуёшли кунларнинг кўплиги ва шамол коридорлари мавжудлиги йирик қуёш ва шамол электростанцияларини қуриш учун бебаҳо имкониятдир. Нишон ва Чирокчи туманларида хорижий инвесторлар (масалан, БААнинг Масдар ёки Саудиянинг ACWA Power компаниялари тажрибаси асосида) маблағларини жалб қилиш вилоятнинг энергия танқислигини тўлиқ қоплайди.

3. Агросаноат ва тўқимачилик кластерларининг инноватсион моделига ўтиш: Пахта хомашёсини етиштиришдан то ип-калава, мато ва охирги босқич – тайёр кийим-кечак (Ready-to-wear) ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ циклдаги кластерларга нафақат дастгоҳлар учун, балки Ғарб давлатларидан дизайнерлар, маркетинглар ва бренд яратувчиларни жалб қилиш учун инвесторлар капиталини йўналтириш керак. Шаҳрисабз, Китооб ва Яқкабоғ туманларида эса экотуризм, этнотуризм ва органик қишлоқ хўжалигига ихтисослашган “Яшил эркин иқтисодий зоналар” (ЭИЗ) яратиш улкан инвестицион имкониятдир.

Олиб борилган кенг қамровли илмий-назарий, эконометрик ва статистик таҳлилларга асосланиб, шундай қатъий хулосага келиш мумкинки, Қашқадарё вилоятини барқарор ва рақобатбардош ривожлантиришнинг бош мезони – бу худудий инвестиция сиёсатини экстенсив (миқдорий) ўсиш моделидан интенсив (сифатли), инноватсион ва диверсификацияланган моделга ўтказишдир. Бугунги кунда вилоятга кириб келаётган сармояларнинг ҳажми ортиб бораётгани қувонарли ҳол бўлса-да, уларнинг қарийб 40 фоизи ханузгача



анъанавий тоғ-кон ва энергетика секторига сарфланмоқда. Бу ҳолат минтақанинг узоқ муддатли экологик ва иқтисодий барқарорлиги учун маълум даражада хавф туғдиради. Вилоятнинг асл инвестицион имкониятлари унинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё саноатининг тайёр маҳсулотлар босқичи ва хизмат кўрсатиш соҳасида яширинган.

Қашқадарё вилоятида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, инвестицион имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва капитал киритиш асосида ҳудудни ривожлантириш бўйича қуйидаги амалий таклиф ва стратегик тавсиялар илгари сурилади:

- Биринчидан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида рақамлаштирилган ва мустақил ваколатларга эга бўлган махсус “Қашқадарё Invest Hub” (Инвестицион хаб) ташкил этиш. Бу хаб инвесторлар учун “ягона дарча” тамойили асосида барча рухсат берувчи ҳужжатларни (лицензиялар, экологик ҳулосалар) расмийлаштириш, ер участкалари ажратиш ва муҳандислик инфратузилмасига уланиш жараёнларини бюрократиясиз, тўлиқ ўз зиммасига олиши ва кузатиб бориши керак.

- Иккинчидан, вилоятнинг иқтисодий ва саноат жиҳатидан орқада қолаётган, лекин аҳолиси кўп туманлари (Чирокчи, Қамаш, Кўкдала, Деҳқонобод) учун қонунчилик асосида махсус “Асимметрик инвестицион рағбатлантириш режими”ни жорий этиш. Яъни, бу ҳудудларда қайта ишлаш саноати (масалан, жун ва терини қайта ишлаш, мева-сабзавот консервалари) бўйича корхона очган ва камида 50 та иш ўрни яратган инвесторларни 5-7 йил муддатга маҳаллий солиқлардан ва божхона тўловларидан тўлиқ озод қилиш тadbирлари қўлланилиши лозим.

- Учинчидан, вилоят иқтисодиётини рақамлаштириш ва инсон капиталига йўналтирилган сармояларни кескин ошириш мақсадида Қарши шаҳрида “ИТ-Парк Қашқадарё” ва замонавий муҳандислик-технологик (БПО марказлари) инкубаторларини кенгайтириш. Бу ерга нафақат давлат маблағлари, балки хорижий венчур фондлари (Venture Capital) сармояларини жалб қилиб, маҳаллий ёшларни дастурлаш ва сунъий интеллект соҳаларига ўқитиш керак.

- Тўртинчидан, маҳаллий аҳоли ва тadbиркорларнинг қўлидаги бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб қилиш учун вилоятдаги йирик ва даромадли корхоналарнинг акцияларини маҳаллий фонд биржаси орқали ИПО (Initial Public Offering)га чиқариш амалиётини кенгайтириш. Бу ички инвестицияларни рағбатлантиришнинг энг самарали усулидир.

Ушбу илмий асосланган тавсияларнинг амалиётга изчил жорий этилиши Қашқадарё вилоятида инвестицион муҳитни тубдан яхшилашга, иқтисодиётнинг технологик даражасини ошириб, глобал бозорларга чиқишга ва пировард натижада вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Муаллиф (лар) хақида / Сведения об авторе / Аутхор деталс

Рахмонова Дурдона Хасан кизи Қарши давлат университети таянч докторанти/ Рахманова Дурдона Хасан кизи докторант Қаршинского государственного университета/ Rakhmonova Durdona Xasan kizi basic Doctoral student of Karshi State University

E-mail: rakhmonova.durdona@bk.ru

ORCID: 0009-0003-1733-7208

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абулкосимов Х.П. (2022). Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва ҳудудий инвестиция сиёсатининг замонавий тенденциялари. Тошкент: Иқтисодиёт нашриёти. 215-б.

2. Romer, P. M. (1990). Endogenous Technological Change. *Journal of Political Economy*, 98(5), C71-C102.

3. Ваҳобов А.В., Тожибоева Д.А. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётини модернизatsiялаш шароитида инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим илмий журналари, 4(2), 15-24.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. (2025). Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари: 2021-2025 йиллар учун статистик тўплам. Тошкент: Статистика.

5. Sachs, J. D., & Warner, A. M. (2001). The Curse of Natural Resources. *European Economic Review*, 45(4-6), 827-838.

6. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. (2021). Иқтисодий таҳлил, эконометрика ва моделлаштиришнинг замонавий усуллари. Тошкент: Фан ва технология. 340-б.

7. Асатуллаев Х.С. (2024). Ҳудудий иқтисодиётни диверсификatsия қилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрнига доир таркибий таҳлил. Молия ва банк иши журналари, 12(1), 45-53.

8. Маҳмудов Н.М. (2023). Минтақавий иқтисодий сиёсат ва инвестиция стратегиясини шакллантириш методологияси. Тошкент: Молия. 188-б.

9. Porter, M. Ye. (2003). The Economic Performance of Regions. *Regional Studies*, 37(6-7), 549-578.

10. Салимов Б.Т. (2025). Ўзбекистон минтақаларида саноат кластерларини шакллантириш механизмлари ва инвестицион мультипликатор эффекти. Илм-фан ва инновatsион ривожланиш журналари, 2(1), 112-120.

11. World Bank Group. (2024). Uzbekistan: Transitioning to a Green Economy, Attracting FDI, and Sustainable Regional Development. Washington, DC: World Bank Publications.

12. Курбонов А.Б. (2023). Нефть-газ ва кимё тармоғида инвестицион жозибadorлик ҳамда диверсификatsия муаммолари: Қашқадарё вилояти



мисолида. Ўзбекистон иқтисодиётномаси, 8(4), 88-95.

13. Auty, R. M. (2007). Natural Resources, Capital Accumulation and the Resource Curse: Lessons for Transition Economies. *Ecological Economics*, 61(4), 627-634.

14. Тошматов Ш.А., Жўраев Т. (2024). Инновацион ривожланиш ва ҳудудларнинг экспорт

рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Бизнес-эксперт журналы, 5(3), 22-29.

15. Asian Development Bank (ADB). (2025). Regional Infrastructure, Connectivity, and Investment Climate in Central Asia: The Case of Uzbekistan's Southern Regions. Manila: ADB Publishing.



INNOVATION
IQTISODIYOT
ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

ISSN: 3030-315X



t.me/kstu_uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225



www.kstu.uz
www.ojs.kstu.uz